ISSN: 2181-4341, IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 9.145, SJIF – 5,431

Булатов Саидахбор Собитович

Ўзбекистон Миллий педагогика университети профессори, Россия халқаро педагогик таълим фанлари академиясининг академиги, педагогика фанлари доктори. (97) 344−19−52

“Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.”[1]

Шавкат Мирзиёев

МАДАНИЙ СЕМАНТИКАНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада инновация, интеграция ва янги Ўзбекистон истиқболини Самарқанддаги Регистон мажмуасидаги ёдгорликлардан бири Шердор мадрасасининг эпиграфик ёзувларининг таржима ва таснифлари, буюк маданий меросимизни моҳиятини ўрганиш ва уни замонавий биноларда фойдаланишнинг тарғиб этишда муҳим ўрни ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: моҳияти, наҳл, сура, Шердор мадраса, ҳаттотлик, эпиграфика, хат турлари, пештоқ, араб ёзуви, сулс, куфий, тоқи, гулдаста, архитектура, ғоя, работ, рамз, тимсол, нақш, хона, илоҳий, мовий ранг, мантиқ, геометрик, безак.

Резюме: В данной статье описывается перевод и классификация эпиграфических надписей медресе Шердар, одного из памятников комплекса Регистан в Самарканде, как важное место в логическом изучении нашего великого культурного наследия и его популяризации.

Ключевые слова: нахль, сура, медресе Шердар, хаттолик, эпиграфика, типы букв, пешток, арабская вязь, сульс, куфик, токи, букет, архитектура, идея, рабат, символ, эмблема, узор, комната, божественный, синий цвет, логика, геометрический, украшение

Annotation: In this article, the translation and classification of the epigraphic inscriptions of the Sherdar madrasa, one of the monuments in the Registan complex in Samarkand, is described as an important place in the logical study of our great cultural heritage and its promotion.

[1] [1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йиғилишидаги Ўзбекистонда ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида номли”Тошкент шахри, 2017 йил 23 июнь маърузасидан. Маърифат газетаси, 2017 йил 24-июн, №50 (9011).

Keywords: nahl, sura, Sherdar madrasa, hattolik, epigraphy, types of letters, peshtoq, Arabic script, suls, Kufic, toqi, bouquet, architecture, idea, rabat, symbol, emblem, pattern, room, divine, blue color, logic, geometric, decoration.

Самарқанд неча асрлардан бўён тенгсиз тарихий обидалари гўзал меъморий ёдгорликлари билан довруқ қозониб келмоқда. Бу кўхна шаҳарга келаётган турфа сайёҳларни ёдгорликларнинг маҳобатию рангин нақшлари билан бирга уларнинг пештоқларга битилган ёзувлар ҳам қизиқтириши табиий. Бу ёзувларда нималар ифода этилганлигини билиш юртдошларимиз учун ҳам, сайёҳлар учун ҳам ниҳоятда қизиқарлидир.

Чилининг машхур шоири Пабло Неруда шундай деб ёзган эди: «Мени, айниқса, Регистон мафтун этди. Бу меъморий мажмуа бутун мусулмон Шарқида кўрган обидаларимнинг ҳаммасидан кўра ҳам гўзалроқ. У Ўрта Осиё халқларининг юксак маданиятидан далолат беради»[2] .

Ўзбекистонда ҳукмронлик қилган сулолаларнинг ҳар бири ўз даврида меъморий қиёфасини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшган. Тарихий ёдгорликларнинг катта қисми сақланиб қолмаган ёки бутунлай қайта қурилган[3]. Масалан, Самарқанд ва Бухоро меъморий обидаларининг (шу жумладан, улардаги ноёб битиклар) дастлабки тадқиқотчилардан бири – ёш ислоҳотчи Мусо Саиджонов 1929 йилдаёқ шундай ёзган эдики: “Самарқанд ва Бухоро ёдгорликларидаги ёзувлар – ҳали ўқилмаган китоб, уларда турли даврларнинг кўпдан-кўп тарихий маълумотлари баён этилган ва бундай ноёб қоидаларни бошқа, жумладан, қўлёзма манбалардан топиб бўлмайди”[4].

Ўзбекистонда ўрта асрлар меъморий безакларида меъморий ёдгорликлар, на фақат санъат дурдоналари, айниқса, эпиграфика деб аталмиш ҳаттотликнинг ҳайратомуз намуналарида ёрқин намоён бўлган ўзлигимиз, илдизларимиз, ўтмишимиз, аждодларимиз маънавий тарихини англашнинг яна бир имконияти ҳисобланади[5].

Архитектурада “эпиграфика” (юнонча — битик)нинг қўлланилиши тегишли ҳудуд ёки миллатнинг диний эътиқоди ва қарашларидан келиб чиқиб амалга оширилган. **Эпиграфика** (юнонча – ёзув) қаттиқ жисмлар тош, металл, сопол ва бошқалардаги ёзувлар (битиклар). Эпиграфика ёзувларини ҳаттот усталар бажарганлар. (1-расм.)

[2] Неруда. Пожелтевшие страницы. 52-6. Узбекистон обидаларидаги битиклар: Самарканд. Регистон / Ф. Абдухоликов, Э. Ртвеладзе, А-81 А. Х,акимов, Б. Абдухдлимов, Б. Бобожонов, А. Мансуров, А. Маннонов, Н. Мухамедов, А. Раззоков, К. Рахимов, Б. Маъруфий. // Тошкент: «Uzbekistan Today» АА, 2015. - 368 б.

[3] Ўзбекистон обидалари битиклар. Бухоро. 1-қисм. Т.: “Uzbekistoh today” 2016, 17-бет.

[4] Саиджонов М. Бухоронинг тарихий обидалари. “Регистон” –Маориф ва ўқитувчи. 1929 йил. 1-2-сон. 3-бет.

[5] Ўзбекистон обидалардаги дурдона битиклар. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, Тошкент, 2011й. 9-б.

Ҳаттотлик – араб ҳуснихат ёзуви, каллиграфия — ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадиий буюмларнинг китобаларини яратиш касби ҳисобланади. Ёзувнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келган.[6]



1-расм.. Қусам ибн Аббос мақбараси киравришида ёзув . Араб ҳошимий сулола, қурайший қабиладан, маккалик, мадиналик бўлмиш пайғамбар алайҳиссалом: “Инсонлардан Қусам Ибн Аббос тузилиши ва хулқи жиҳатидан менга энг ўхшашидир”, дедилар.

Тарихда уч машҳур ҳукмдор – Амир Темур, Улуғбек Мирзо ва Амир Ялангтўш Баҳодир ўзлари қурдирган меъморчилик обидалари билан Самарқандни «Ер юзининг сайқали»га айлантиришган. Амир Темур Самарқандни пойтахтга айлантириб, нақшинкор бинолар силсиласини қуришни бошлаб берган бўлса, шаҳарнинг юраги ҳисобланган Регистон майдони Улуғбек Мирзо даврида вужудга келгандир. (У вақтда бу майдон «Сардавонак» деб аталиб, тахминан «Сари жўйи давонак» – «Тез оқар ариқ боши» маъносидадир). Улуғбек бу майдонда мадраса, хонақоҳ ва карвонсарой каби уч бинодан иборат ўзига хос обидалар гулдастасини яратади.[7]

Чилининг машхур шоири Пабло Неруда шундай деб ёзган эди: «Мени, айниқса, Регистон мафтун этди. Бу меъморий мажмуа бутун мусулмон Шарқида кўрган обидаларимнинг ҳаммасидан кўра ҳам гўзалроқ. У Ўрта Осиё халқларининг юксак маданиятидан далолат беради»[8]

[6] Саипова М.С.Рамзшунослик. (Дарслик), “Фан ва технологиялар нашрётматбаа уйи” 2021 йил. 84 бет.

[7] Булатов С.С., Пўлатова М. Гўзалликдаги коинот фалсафаси. (Монография). Т.: “Иқтисод-молия”. 2013 йил. 39-бет.

[8] Неруда. Пожелтевшие страницы. 52-6. Узбекистон обидаларидаги битиклар: Самарканд. Регистон / Ф. Абдухоликов, Э. Ртвеладзе, А-81 А. Х,акимов, Б. Абдухдлимов, Б. Бобожонов, А. Мансуров, А. Маннонов, Н. Мухамедов, А. Раззоков, К. Рахимов, Б. Маъруфий. // Тошкент: «Uzbekistan Today» АА, 2015. - 368 б.

Ўз даврида, Ялангтўш Баҳодир ҳам Улуғбекнинг қурдирган бу бинокорлик мажмуасининг тузилишини бузмаган ҳолда, вайронага айланган хонақоҳ ва карвонсарой ўрнида Шердор ва Тиллакори мадрасаларини қурдиради. Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизким Тиллокор мадрасасининг масжиди ичкарисига сарфланган олтиннинг ўзига бир катта обида қуриш мумкин бўлган (шунинг учун ҳам мадраса Тиллакори деб, яъни «Тилладан ишлов берилган» деб аталган).[9]



2-расм. Шердор мадрасаси.XX аср бошлари.

[9] Булатов С.С., Пўлатова М. Гўзалликдаги коинот фалсафаси. (Монография). Т.: “Иқтисод-молия”. 2013 йил. 39-бет.



3-расм. Шердор мадрасасининг қисмларини номланиши. 1. Пештоқ 2. Китоба 3.Равоқ 4. Гулдаста 5. Қанос

Шердор ва Тиллакори мадрасаларини қурдирган Ялангтўшбий Баҳодир бундан ҳам улуғвор обидалар бунёд этишга қурби етар эди. Бу сўзни шунинг учун ҳам келтираётирмизким, баъзи хорижий ва маҳаллий обидашуносларнинг фикрларича, Ялангтўш Баҳодир Улуғбек Мирзонинг обидаларидан фақатгина кўчирма олиб, гўё бошқача тусдаги обидаларидан фақатгина кўчирма олиб, гўё бошқача тусдаги обидалар яратишга унинг давридаги усталар қодир эмас эканлар. Ваҳоланки, Шердор билан Тиллакори мадрасалари Самарқанд шаҳрига зеб бериб турган энг кўркам обидалардандир. Ўзининг «Олчин» уруғини темурийларнинг «Барлос» уруғидан кам кўрмайдиган Ялангтўшбий Баҳодир камтарлик қилиб, темурийларга ҳурмат юзасидан, ўзининг обидаларига Улуғбек мадрасасининг тузилишини нусха қилиб олади (2,3-расмлар). Бошқача қилиб айтганда, у Регистон майдонида ҳар хил обидалар гулдастасини барпо этишни хоҳлар эди. [10]

Самарқанд ҳокими Баҳодир Ялангтўшбий ушбу бинони қуришда Улуғбек мадрасасидан ўзиб кетишини мақсад қилиб қўймаган. Аксинча, у султон Улуғбекка чексиз ҳурмат-эътибор рамзи сифатида унинг эзгу ишларини давом эттирган. Шердор мадрасаси бош пештоқида илоҳий калималар, Аллоҳ ва унинг расули Муҳаммад пайғамбарнинг улуғланиши ҳақидаги оят ва ҳадислар бор. Уларга шу даражада жозибали ва мафтункор ишлов берилганки, ёзувларни гўзал нақшлардан ажратиб ўқиш ниҳоятда қийин. Хаттотлик санъати зеб-зийнатлар билан нақшланган бу ёзувларни ноёб санъат асарига айантирган. Шердор мадрасасидаги битиклардан англашилдики, ушбу мадраса Ҳовон Имомқули Муҳаммадхон розилиги билан Амир Ялангтўшбий Баҳодир томонидан бино этилган. У

[10] Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Дахбед. -Самарқанд: Суғдиёна. 1994, Б. 49-53

хижрий 1042 (мелодий 1619) йилда қуриб битказилган. Қуръони каримдаги «Наҳл» сурасининг оятлари мадрасани бунёд этишга асос қилиб олинган[11].

Масалан Пештоқда бахшида битик мавжуд. Таржима қилинганда қуйидаги мазмунни беради: “Бу олий илм мадрасаси яловбардор подшоҳ буюк хоқон замонида бунёд этилди. Аллоҳ таоло улуғ Китобида: “Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюрар” (Қурьони каримнинг “Наҳл” сураси, 90-оят), - дейди. **Аллоҳ таоло тўғри айтди. Ва у (хоқон) Имомқули Муҳаммаджон (бу бинони қуришга) ҳаракат қилди ва бу бинонинг қурувчиси буюк амир Ялангтўш Баҳодир яхшилик масканлари (яьни ушбу илм даргоҳлари)га асос солишга қизиқиши бўлгани учун саьй ва ташаббус қилди. Бинонинг қурилиши ва зийнатланишининг тугалланиши 1042 (1632) санага мувофиқ келади”**[12] (4-расм).

Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасаларидаги битиклар куфий, сулс, настаълиқ хат усуларида ёзилган бўлиб, ўша даврининг уста ҳаттотлари бор маҳорат ва истедодларини намойиш этганлар. Ёзувлар асосан Қуръони карим оятлари, ҳадислардан иборат бўлса-да, бош пештоқ ўртасидаги ички равоқ деворида мадраса тарихига таалуқли ёзувлар ҳам асл ҳолатида сақланиб қолган [13].


Самарқанддаги Шердор мадрасаси безакларини безашда Ялангтўшбий Баходирнинг пири бўлмиш авлиё Хожи Хошимий Дахбедий эпиграфик нақшларни мантиғий ечимини ва тизимини жуда тўғри танлаб асосий концептуал асосини Қуръони Каримдаги “Наҳл сураси”ни танлаб олади.

Шердор мадрасасини безашда Қуръони каримдаги «Наҳл» сурасининг оятларини концептуал асос қилиб олинишининг буюк хикмати ва ибрати нимада экан? деган савол туғилади. Ҳозиргача бу саволга жавоб топилмаган эди. Биз шу саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз.

[11] Булатов С.С., Пўлатова М. Гўзалликдаги коинот фалсафаси. (Монография). Т.: “Иқтисод-молия”. 2013 йил. 39-бет.

[12] Ўзбекистон обидалардаги дурдона битиклар. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, Тошкент, 2011й. 47-б.

[13] Ҳасанов Қ., Маъруфий Б. Регистон обидалари ёхуд битиклар тилга кирганда//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008. 19 декабрь.






4-расм. Шердор мадрасаси. Пештоқда бахшида битик. Қуръони каримдаги «Наҳл» сурасини эпиграфик тасвирланиши.

Ҳаётда – ён-атрофимизда шундай оқил инсонлар яшаб ўтганлиги уларнинг саъи-ҳаракати билан дунё гўзаллашиб борганни мантиқан англаб, инсон ҳайратга тушади. Дарҳақиқат, оламни ва оламдаги барча нарсалар мукаммал яратилганлиги ва уларга Аллох томонидан бажарадиган вазифалар юклатилган. Ер шарида тоғ, пашша, асалари ва бошқалар бўлмаганда нима бўларди? Масалан, асаларилар дунёда 10 йил бўлмаса ҳаёт бўлмаслигини дунё олимлари ўз исботини топдилар. Юқоридаги саволга жавобни Қуръони каримнинг “Наҳл” сурадаги оятлардан топдик. Муқаддас китобимиз “Қурони

Карим”нинг Наҳл сураси[14] 128 та оятдан иборат бўлиб, унинг 68 ва 69 оятларида асаларилар ҳақида шундай дейилади:

“(Эй, Муҳаммад!) Раббингиз асалариларга ваҳий (буйруқ) қилди: Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) қурадиган нарсаларга ин қуринг.”[15]

“Сўнгра турли мевалардан еб, Парвардигорингиз (сиз учун) қулай қилиб қўйган йўллардан юринг! Уларни қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур. Албатта, бунда фикр юритадиган қавм учун аломат бордир.”[16]



5-расм. Аллох томонидан асаларини олтин кесим асосида яратилганлигини тахлили.



[14] Наҳл – асаларилар. (Қуръони Карим.Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. “Шарқ”нашриёт-матбаа акциядорлик компонияси босмахонаси. 2000 йил. 267-бет)

[15] Қуръони Карим. Наҳл сураси, 68-оят.

[16] Қуръони Карим. Наҳл сураси, 69-оят.

6-расм. Қуръони Карим. Наҳл сураси. 69 оят.

Асаларини хар томондан тахлил қилиб кўрадиган бўлсак. Аллох томонидан асаларилари бекорга яртиилмаганлиги ва уларни шакллари олтин кесим асосида яратилганлигини ҳамда Аллоҳ томонидан вазифалар юклатилганлигини кўриш мумкун. (5-расм.) Асаларилари бир вақтда турли жойларидан ин ясашни бошлаб, бир ҳилда тугатишади. Жуда катта аниқликда ин қуришига архитекторлар қойил қолмоқдалар. (7-расм.)

Аввалом бор “Наҳл” сурасини кўриб чиқадиган бўлсак Наҳл асаларилар деган маънони англатади. “Сурада асаларилар нинг намунали ҳаёт тарзи ҳақида оятлар мавжудлиги учун унга шу ном берилган. Сурада қиёматни такрор-такрор эслатиб, ўша кунга пухта тайёргарлик кўришга даъват этилади. Унда бошқа суралардаги каби ширк, куфр, ношукурлик каби иллатлар қораланиб, имон, этиқод, шукр солиҳ амалларга ташвиқот этилади”[17].



7-расм. Асаларилари бир вақтда турли жойларидан ин ясашни бошлаб, бир ҳилда тугатишади. Жуда катта аниқликда ин қуришига архитекторлар қойил қолмоқдалар.

Ушбу берилган икки оятни мажозий маъноларини кўриб чиқамиз. “Аллоҳ таолонинг ҳайвонотларга, жумладан, асаларига ваҳий қилиши унга илҳом бериши ҳисобланади. Аллоҳ таоло асаларини яратганда унга бир ҳис – туйғу ҳамда илҳомни қўшиб бергани учун, у кўпгина ақлли инсонлар қила олмайдиган аниқлик билан ўзига топширилган ишини бажаради. Жумладан, тоғлардан, дарахтлардан ва одамлар кўтариб қўйган сўриток каби нарсалардан ўзига уй тутади.”[18]

[17] Қуръони Карим.Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. “Шарқ”нашриёт-матбаа акциядорлик компонияси босмахонаси. 2000 йил. 267-бет.

[18] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз, Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр.-Т.: “Ҳилол-Нашр”, 2018 йил. 345-346-бетлар.

Асалари дунёда мукаммал ҳолда юборилганидек, у тиним билмасдан бол йиғади, яхшилик уруғини экади. Дунёда шундай инсонлар борки, улар ҳам асаларидек тиним нималигини билмайди, ўқийди, ўрганади ва ўрганганларини бошқаларга ўргатади, яна изланишда давом этади.

Нақшбандия тариқатининг вакили Ялангтўшбий Баҳодирнинг пири Ҳазрати Ҳошимхожжаи Дахбедий маслаҳати билан “Наҳл” сураси орқали Ялангтўшбий Баҳодирнинг рамзий маънода асаларига қиёсланганлиги аниқланди. У Ялангтўшбий Баходирни асаларига ўхшатиш орқали инсонларга уқтирадики бу дунё ўткинчилигини ҳар бир инсон ўзидан фақат яхши ибратли нарсаларни ўрганиб, ўзидан фақат яхши амаллар қолдириш кераклигини чақиради. Қуръони каримдаги “Наҳл”сурасини 68, 69 оятларидан кейин 70 оятда бекорга инсонларга бағишланмаган. Энди инсолларни Аллоҳ нима учун яратилганлиги ва уларга нима вазифалар юклатилганлиги ва улар фоний дунё абадий эмаслиги банда албатта охиратда жавоб бериши шунинг учун ўзлигини англаб эзгулик йўлида юришликка чақирилади. Қуръони каримдаги “Наҳл”сурасини 70 - оятида шундай дейилади:

“Аллоҳ сизларни яратгандир. Сўнгра сизларни вафот эттирадир. Ичингизда билимли бўлгандан сўнг, ҳеч нарса билмаслиги учун, умрнинг энг заифлигига қайтариладиганлар бор. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва қодирдир.”[19]

Энди ушбу Наҳл сурасининг 70-оятни тавсифини кўриб чиқамиз. Одамларни яратган зот Аллоҳдир. Шунинг учун ҳам инсон Яратгувчисига шукрда, иймонда ва ибодатда бўлмоғи лозимдир. Лекин кўпчилик бундай қилмайди. Ношукр, кофир ва осий бўлади. Ҳамма билиб қўйиши лозим. Табиийки, вафот эттирган Зот ҳисоб – китоб ҳам қилади. Ўлимдан олдин бунга хам тайёро бўлиши керак. Буни ҳам ўйлаб қўйиш лозим. Агар ишлар инсоннинг истагича бўлса, одамзод ўлимни хоҳламагандек, қариб, ақл – хуши кетиб, ҳеч нарсага ярамайдиган бўлиб қолишни ҳам ҳеч истамаслиги аниқ. Аммо ўлим ҳам, қарилик ҳам ундан сўрамай келади. Инсонлар ўлимдан ваъз-насиҳат олгандек, қариликдан ҳам ўзларига панд-насиҳат олишлари лозим. У Зот ҳамма нарсани билиб қилади. У Зотнинг ҳамма нарсага қудрати етади[20].

Шердор мадарасасининг ёзувлари халқни ҳидоят ва маърифат йўлига бошлаш билан бирга, XVII аср ҳаттотлик санъатининг нодир намуналаридан ҳисобланади.

Регистон мажмуасидаги ёдгорликлар – Улуғбек мадрасаси, Шердор ва Тиллакори мадрасалари ёзувларининг таржима ва таснифлари буюк маданий меросимизни мантиқан ўрганиш ва уни тарғиб этишда муҳим ўрин тутади.

Сўнги йилларда, юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган изланишлар натижасида, кўплаб обидалар, меъморий ёдгорликлар ва амалий санъат намуналардаги хат безаклари қайта тикланди. Лекин, ҳали Ўзбекистонда ўз маъносини ошкор этмаган ҳамда ўрганилмаган нақшни ва номаълум услубли ёзувлар бисёр. Уларни атрофлича, мантиқий, илмий асосланган ҳолда чуқур тадқиқ этиш олимларимиз олдида турган муҳум вазифалардан биридир.

[19] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз, Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр.-Т.: “Ҳилол-Нашр”, 2018 йил. 347-бет.

[20] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз, Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр.-Т.: “Ҳилол-Нашр”, 2018 йил. 347-бет.

Ялангтўшбий Боҳодирбек ҳам бу ўткинчи дунёда илм боғларини кезиб, сари гулларнинг нектаридан “бол” йиғади ва атрофдаги бошқа инсонларга улашади. Саркардани ҳаёти ижоди биз учун ибрат бўлмоғи лозим. У пиридан илм ўрганди ва бу фоний дунёда ибрат намуналарини бизга намуна қилиб қолдирди. У фоний дунёда Аллохни буюрган амалларини бажариб икки оламнинг юқори мақом ва мартабаларига эришган хоксор инсон бўлиб яшади. Унинг ер юзида қолдирган излари жаннатдаги илоҳий гўзаллик боғини яратди. Унинг яратган илоҳий гўзал боғларидан хозиргача инсонлар бахраман бўлиб келмоқдалар.

Ўзбекистонннинг тарихий, маданий ҳаётида катта ижобий роль ўйнаган Самарқанднинг Ялангтўшбий Боҳодирбек асл фарзанди ватанпарвар ўз тарихини, қадриятини тикланишини Даҳбеддаги қабрда тинчгина кутиб ётибди[21].

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.

1. Самарқанд. Кириш сузи муаллифлари В.А. Булатова, Г.В. Шишкина. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. .19 – бет.
2. Неруда. Пожелтевшие страницы. 52-6. Узбекистон обидаларидаги битиклар: Самарканд. Регистон / Ф. Абдухоликов, Э. Ртвеладзе, А-81 А. Х,акимов, Б. Абдухдлимов, Б. Бобожонов, А. Мансуров, А. Маннонов, Н. Мухамедов, А. Раззоков, К. Рахимов, Б. Маъруфий. // Тошкент: «Uzbekistan Today» АА, 2015. - 368 б.
3. Ўзбекистон обидалари битиклар. Бухоро. 1-қисм. Т.: “Uzbekistoh today” 2016, 9, 17 б.
4. Саиджонов М. Бухоронинг тарихий обидалари. “Регистон” –Маориф ва ўқитувчи. 1929 йил. 1-2-сон. 3-бет
5. Булатов С.С., Пўлатова М. Гўзалликдаги коинот фалсафаси. (Монография). Т.: “Иқтисод-молия”. 2013 йил. 39-бет.
6. Саипова М.С.Рамзшунослик. (Дарслик), “Фан ва технологиялар нашрётматбаа уйи” 2021 йил. 84 бет.
7. Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Дахбед. -Самарқанд: Суғдиёна. 1994, Б. 49-53
8. Ўзбекистон обидалардаги дурдона битиклар. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, Тошкент, 2011й. 47-б.
9. Ҳасанов Қ., Маъруфий Б. Регистон обидалари ёхуд битиклар тилга кирганда//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008. 19 декабрь.
10. Наҳл – асаларилар. (Қуръони Карим.Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. “Шарқ”нашриёт-матбаа акциядорлик компонияси босмахонаси. 2000 йил. 267-бет)
11. Қуръони Карим. Наҳл сураси, 68-69 оятлар.
12. Қуръони Карим.Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. “Шарқ”нашриёт-матбаа акциядорлик компонияси босмахонаси. 2000 йил. 267-бет.
13. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз, Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр.-Т.: “Ҳилол-Нашр”, 2018 йил. 345-347-бетлар.
14. Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Дахбед. -Самарқанд: Суғдиёна. 1994, 53-бет

[21] Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Дахбед. -Самарқанд: Суғдиёна. 1994, 53-бет.